



Термиз туманида сайловга тайёргарлик ишлари қизғин олиб боришмоқда




Жорий йил 24 октябр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Термиз туманида 32 та (4 таси ҳарбий қисмларда) сайлов участкалари ташкил этилган.

Тумандаги 28 та сайлов участкаларида 310 нафар участка сайлов комиссиялари аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича календар-режа асосида ишларни олиб боришмоқда. Ҳозир участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар рўйхатларини шакллантириш ишлари давом эттирилмоқда.







Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати